

Республикамизда ўрик асосий данакли мева экинларидан бири ҳисобланади ва у фермер хўжаликларида ва томорқаларда кенг экиб етиштирилади.

Ўрик эрта гуллайдиган ва эрта пишадиган ўсимлик. Мевасидан юқори сифатли қуритилган маҳсулотлар – баргак, қайса ва туршак олинади. Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитлари ўрик етиштириш учун жуда қулай. Лекин мавжуд навлар етарли даражада совуққа чидамли эмас, бу ўз навбатида ўрик боғлари ҳосилдорлигини тушиб кетишига сабаб бўлади.

Кўчатзорни барпо этиш. Ўрикни кўпайтириш билан шуғулланаётган ҳар бир фермерни оналик боғи, кўпайтириладиган ҳар бир навнинг оналик дарахлари бўлиши шарт. Пайванд қилиш учун керакли бўлган қаламчалар шулардан олинади.

Кўчатзор учун ер майдони бир оз нишабли, текис, унумдор ҳамда суғориш манбаи мавжуд жой танланади.


Пайвандтагларни танлаш. Пайвандтаг танлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дарахларнинг ноқулай шароитларга – тупроқ шўрига, сизот сувларининг яқин жойлашишига, қурғоқчиликка ва бошқа омилларга бўлган чидамлилигига боғлиқ. Пайвандтаг дарахларнинг ўсиш кучига, тез ҳосилга киришига, ҳосилдорлигига, мунтазам равишда ҳосил беришига, мева сифатига, ўсув даврининг давомийлигига кучли таъсир кўрсатади.



Расм 1. Ўрикнинг оналик уруғли дарахлари.

Ўрик учун асосий пайвандтаг маҳаллий шакл ва навларнинг ниҳоллари ҳисобланади (расм-1). Уларнинг униб чиқиш қобилияти юқори ва дарахлар яхши ривожланади. Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида – Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон республикасида маҳаллий майда мевали ўрик шакллари ўрик учун энг яхши пайвандтаг ҳисобланади.

Уруғ тайёрлаш ва экиш. Мева кўчатзорига экиш учун данаклар ўрикнинг кеч пишар шакллари оналик уруғли дарахларидан олинади. Данаклар пишган мевалардан олинади. Олинган данаклар ювилади ва пана жойда қуритилади. Экишгача данаклар қуруқ яхши ҳаво алмашадиган хоналарда қоғларда ёки ёғоч яшиқларда сақланади. Ўрикда уруғларни тиним даври 90-100 кунни ташкил этади. Уруғлар етилиб пишиши учун улар қумда стратификация қилинади. Бунинг учун ювилган ва қуритилган дарё қумининг 5 қисмига 1 қисм данак аралаштирилади ва намланади (расм-2). Данаклар 0°C дан 10°C гача бўлган ҳароратда стратификация қилинади, лекин энг мақбул ҳарорат 4-5°C ҳисобланади.




Расм 2. Ўрик данаклари стратификацияси.
А – 1 қисм данак, Б – 5 қисм дарё қуми.

Кўчатзорнинг биринчи даласи. Кўчатзорнинг биринчи даласида камида 30 см чуқурликда, 25-30 т/га чириган гўнг ва 90 кг фосфорли ҳамда 30 кг/га калийли ўғитлар солиб юмшатилади. Ўрик данаклари кўчатзорнинг биринчи даласига бевосита 70-90×8-10 см схемада экилади. Тупроқнинг механик таркибига қараб, типик бўз тупроқларда 4-5 см чуқурликка, энгил соз тупроқларда 5-6 см чуқурликка экилади.

Ниҳолларни парвариш қатқалоқларни юмшатиш, ўз пайтида суғориш, бегона ўтлардан тозалашдан иборат. Суғориш эгатлар бўйича ҳар 10-12 кунда амалга оширилади. Қатор оралари 10-12 см чуқурликда 5-6 марта, қаторлар эса 3-4 марта юмшатилади. Ўсув даврида кўчатзорнинг биринчи даласида азотли ўғитларни 150-200 кг/га ҳисобида, биринчи марта ниҳолларнинг бўйи 10-12 см бўлганда, иккинчи марта пайвандлашга 35-40 кун қолганда озиқлантирилади.

Пайвандлаш. Ўрик пайвандтагни диаметри 10-12 мм бўлганда, июль охири – август бошларида пайванд қилинади. Пайванд қилишдан олдин поялари 15-20 см баландликда ён шохларидан тозаланади. Пайвандтагнинг илдиз бўғзи очилиб, нам латта билан тозаланади ва пичоқ билан “Т” ҳарфи шаклида кесилади ва пўстлоқ пичоқ тилчаси билан очилади. Пайванд қилинадиган нав қаламчасидан узунлиги 2-2,5 см келадиган бир куртакли қобик кесиби олинади ва пайвандтагнинг пўстлоғи ичига қўйилади, боғлағич материаллар билан ўраб боғланади (расм-3).



Расм 3. «Т»-шаклида пайвандлаш.


а – куртакни кесиш, б – уруғкўчат пўстини «Т»-шаклида тилиш, в – кесилган жойга куртакни жойлаш, г – пайванд қилинган жойни боғлаш, д – тутиб кетган куртак.

Кўчатзорнинг иккинчи даласи. Куртаклар ўз пайтида кўкариб кетиши учун шира ҳаракати бошлангунча, ток қайчи билан пайванд қилинган куртак устидан 30° қияликда пайвандтаг танаси

қирқиб ташланади. Пайвандланган куртаклар ўса бошлайди. Ёз давомида кўчатзорнинг иккинчи даласи 8-12 марта суғорилади, қаторлар ва қатор оралари юмшатилади ва азот ўғитлари билан (60 кг/га) озиқлантирилади.

Пайванд қилинган куртакдан ўсиб чиққан новдага шакл бериш, уларнинг бўйи 70-80 см етганда амалга оширилади. Штамбни пастлигича – 50-70 см ҳолатда қолдирилади. Ёзнинг охирида кўчатларда 5-8 та яхши шакланган асосий новдаларни олиш зарур, улардан боғда дарахт шох-шаббаси шакллантирилади.

Кўчатларни ковлаб олиш кузда, барглар тўкилгандан сўнг амалга оширилади. Ковланган кўчатлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга илдиз системаси механик шикастланмаган, касалланмаган, камида учта тармоққа эга, узунлиги 35 см дан кам бўлмаган, биринчи ярус 3-4 асосий шохларини узунлиги 50 см дан кам бўлмаган, шох-шаббаси шакланган кўчатлар киради. Иккинчи гуруҳга илдизнинг узунлиги камида 25 см бўлган, шох-шаббасида узунлиги 35-40 см бўлган камида иккита асосий шохдан иборат бўлган кўчатлар киради.



Расм 4. Ўрик кўчатларини кўмиш.



Расм 5. Хоразм вилояти Хонқа тумани Сарапоян қишлоғидан кўчатчи Юсупов Собир оиласи билан ўрик кўчатзорида.



Ушбу буклет Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларидан зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУваВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

Факс: (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Расмда: Кўчатчилик билан шуғулланувчи Тошкент вилояти Зангиота тумани Гулистон қишлоғидан фермер Абдурахмон Рихсиев ўрикнинг маҳаллий навларини кўпайтиради.

Тузувчилар: К.И.Байметов, Е.А.Шредер, Ш.М.Ахмедов
А.Қ.Қайимов умумий таҳрири остида.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти

Ўрикни фермер хўжаликларидан кўпайтириш

